

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ДЖУМАБАЕВ ҒУЛОМЖОН ХАЛИЛЛАЕВИЧ

ҲАЛҚАЛИ ЙИГИРУВ МАШИНАЛАРИНИНГ КОНСТРУКТИВ
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА СИФАТЛИ ИП
ОЛИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов
бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Джумабаев Гуломжон Халиллаевич

Ҳалқали йигирув машиналарининг конструктив

элементларини такомиллаштириш асосида

сифатли ип олиш.....3

Джумабаев Гуломжон Халиллаевич

Получение качественной пряжи на основе

совершенствования конструктивных элементов

кольцепрядильных машин23

Djumabaev Gulomjon Xalillaevich

Obtaining qualitative thread on the basis

of improvement of constructive elements

of a ring spinning machine43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ДЖУМАБАЕВ ҒУЛОМЖОН ХАЛИЛЛАЕВИЧ

ҲАЛҚАЛИ ЙИГИРУВ МАШИНАЛАРИНИНГ КОНСТРУКТИВ
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА СИФАТЛИ ИП
ОЛИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов
бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т783 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жуманиязов Қадам
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муқимов Мирабзал Мираюбович
техника фанлари доктори, профессор

Эркинов Зокиржон Эркинбой ўғли
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон табиий тоалалар илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Т.08.01–рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил 31 январ соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона.

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон–5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2019 йил “17” январ куни тарқатилди.
(2019 йил “17” январдаги 52-рақамли реестр баённомаси).

М.Т.Хожиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.Э.Ғуломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ассортиментининг турлари кенгаймоқда ҳамда уларга қўйилаётган талаб ҳам жадал суръатларда ошиб бормоқда. Жаҳон бозорида йиғирилган ип ва газламаларга рақобатнинг юқори даражадалиги, замонавий такомиллашган технологиялар, тўқима турларининг сифати ва миқдор жиҳатидан тез ўзгартириш имконини берадиган ускуналарнинг яратилиши, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар олинишининг зарурлиги ҳамда тўқимачилик маҳсулотларининг сифатини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган чет-эл мамлакатларидан, жумладан АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой каби давлатларда сифати ва физик-механик хусусиятлари юқори бўлган иплар ишлаб чиқаришда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш учун технологик жараёнларни бошқариш усуллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда йиғирилган ипларни тайёрлаш, унга ижобий таъсир этадиган меъёрий технологик параметрларни ишлаб чиқишнинг янги техника ва технологияларни яратиш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада йиғирилган ипларнинг сифат кўрсаткичларини тубдан ўзгартириш, рақобатбардош кўрсаткичларга эга бўлган ип ишлаб чиқариш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ип сифати ва рақобатбардошлигини оширувчи самарали тизимини яратиш, кўрсаткичларини оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқиш, йиғириш корхоналарида юқори самарали техник воситалар ва технологияларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда йиғирув фабрикаларида маҳсулотнинг истеъмол хоссаларини яхшилашга олиб келадиган ипларни тайёрлаш, йиғирув жараёнларининг юқори самарадорликка эга бўлган технологияларни яратишга оид кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ...янги турдаги маҳсулот ва технологияларни жорий этиш, шу асосида ташқи ва ички бозорда миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, йиғириш корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида йиғирув корхонаси машина механизмларини такомиллаштириш, йиғирилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

ипларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, рақобатбардош кўрсаткичларга эга бўлган ип ишлаб чиқариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Технологик жараёнларнинг меъёрий тахтлаш параметрлари, ҳалқали йиғириш машиналарида чўзиш асбобларини, уларнинг деталларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: California Institute of Technology, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), University of Cambridge, University of Manchester (Буюк Британия), Technische Universitat Drezden, Technische Universitat Munchen (Германия), Piroeus University of Applied Sciences (Греция), China Textile Academy, Department of Textile Engineering (Хитой), Москва Давлат технология дизайн университети, Санкт-Петербург Давлат ишлаб чиқариш технологияси ва дизайни университети (Россия), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда пахта ва бошқа толалардан йиғирилган ипларни ишлаб чиқариш технологик жараёнларини такомиллаштириш, параметрларини меъёрлаштириш, структураси, эксплуатацион хусусиятлари ва ташқи кўринишини яхшилашга боғлиқ масалалар бир қатор олимлар Werner Klein, Heins Ernest, Helbert Stalder, A.R.Horrocks, S.C.Anand, В.Е.Зотиков, А.Б.Терюшнов, П.П.Трыков, И.Г.Борзунов, В.И.Будников, Х.Х. Ибрагимов, М.М.Шукуров, Т.Р.Рашидов, Б.М.Мардонов, Қ.Жуманиязов, У.Х.Мелибаев, Ш.К.Алишев, С.Матисмоилов, А.Джураев, Ж.Қ.Ғофуров каби қатор олимлар етарлича ўз хиссаларини қўшган.

Ҳалқали йиғирув машиналарида ип узилишларини камайтирувчи ипнинг йиғирув жараёнидаги хусусиятларини олдиндан башорат қилиш имкониятларини берувчи усуллари яратилса, бу келажакда замонавий

тўқималар ишлаб чиқаришнинг асоси бўлади. Айрим технологик жараёнларни такомиллаштириш туфайли сифатли, жахон андозаларига мос келувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш мазкур диссертация олдига кўйилган масалалардан бири ҳисобланиб, бу муаммоларга қаратилган назарий ва амалий масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ИТД-3-39-“Ҳалқали усулда йигирилган пахта ипининг рақобатбардошлигини ошириш технологиясини яратиш” ва №ОИД-1-1-“Чигитли пахта тайёр маҳсулот яқунланган технологик тизим асосида ишлайдиган мини корхона моделини яратиш” мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳалқали йигириш машиналари конструктив элементларини такомиллаштириш ва параметрларини аниқлаш асосида ип узилишлар сонини камайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳалқали йигирув машинасида ипни кескин тебранишсиз, қайишқоқ режимда узатувчи конструкция ишлаб чиқиш;

пиликни керакли режимда, бир текисда чўзилишини таъминлайдиган такомиллашган технологияга асосланган таркибли уч қатламли валикларга эга конструктив схемани ишлаб чиқиш;

ҳалқали йигириш машинасида таркибли ип ўтказгичнинг уч қатламли қайишқоқ элементлари (втулкалари) ипнинг деформациясини ифодаловчи математик модел олиш, боғланиш графикларини қуриш, масаланинг сонли ечими асосида ип ўтказгичнинг қайишқоқ втулкалари радиуси бўйлаб деформацияланишини аниқлаш;

таркибли ночизикли бикрликка эга бўлган қайишқоқ втулкали ип ўтказгичнинг ички втулкаси вертикал тебранишларининг динамик ва математик моделларини олиш, сонли ечим асосида ички втулка вертикал тебраниш амплитудасини втулка массаси ва бикрлик коэффицентларига қараб боғлиқлик графикларини қуриш параметрларини асослаш;

ҳалқали йигириш машинаси чўзувчи асбоби юкловчи валиклари ўқининг тебранишларини ифодаловчи дифференциал тенглама ва унинг аналитик ечимини олиш. Чўзиш асбоби валиклари ўқлари вертикал тебраниш камрови пиликнинг чўзишга қаршилиги амплитудасининг ўзгаришига боғлиқлигини, параметрларининг қийматларини аниқлаш;

чўзиш назариясига бағишланган илмий-тадқиқот ва техник адабиётларни, чўзиш асбоблари ва унинг алоҳида деталарига қўйиладиган талабларини, чўзиш асбобларининг конструкцияларини ишлаб чиқиш;

йигирув машинасидаги ип ўтказгич тебранма ҳаракатининг амплитудали-тебраниши характеристикаларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳалқали йигирув машинаси, чўзиш асбоби эластик қопламали юк валиклари, уч қатламли резинали амартизаторли ип ўтказгич, юкловчи валиклари олинган.

Тадқиқотнинг предметини технологик параметрларнинг рационал оптимал қийматлари, ипларнинг узилишлари, турлича деформацияланиши, эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш методлари параметрларининг боғланишлари ва сифатли ип олишни таъминлайдиган қийматларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, қайишқоқ ип механикаси, тўқимачилик материалшунослиги, математик статистика ва амалий математика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

пахта толаси пилигини чўзиш асбобининг юк валиги ва амартизаторли ип ўтказгичнинг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган;

ҳалқали йигириш машинасида таркибли ип ўтказгичнинг уч қатламли қайишқоқ элементлардан фойдаланган ҳолда йигирилган ип деформацияларини ифодаловчи боғланишлар, ип ўтказгич қайишқоқ втулкаларининг умумий радиуси бўйлаб деформацияланиш боғланишлари ишлаб чиқилган;

қайишқоқ втулкали ип ўтказгич ички втулкасини вертикал тебранишларининг динамик ва математик моделлари олинган ҳамда ип ўтказгич керакли тебраниш амплитудасини таъминлайдиган массаси бикрлик коэффициенти қийматлари таъсир этувчи кучларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

чўзувчи асбоб валикларининг ўқларини вертикал тебраниш қамровини пиликнинг чўзишга қаршилиги амплитудасига боғланишлари, пилик текислигини таъминлайдиган юкловчи валиклар ўқларининг тебраниш қамрови қийматлари ишлаб чиқилган;

йигирув машинаси чўзувчи асбобини юкловчи валикларининг ўқлари вертикал хусусий тебраниш частоталарининг резинали втулкалар келтирилган бикрлик коэффициентлари ўзгаришига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ип бўйлаб бурам тақсимланишини яхшиланишини, ип таранглиги бўйича равонлиги, ипнинг узиш кучи, узайишини ортишини ҳамда кесим ва узиш кучи бўйича нотекислигини камайишини таъминловчи ип ўтказгич янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

ҳалқали йигириш машинаси такомиллаштирилган чўзиш асбоби ва ип ўтказгичларнинг муқобил вариантлари ишлаб чиқилган;

элементлари такомиллаштирилган ҳалқали йигириш машинаси режимининг параметрлари тебранишларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

юкловчи валикларга ўқларининг тебраниш қамрови ўзгаришини қайишқоқ втулкалар бикрликлари боғланишлари, тегишли юкловчи валиклар резинали втулкаларини келтирилган бикрлик коэффициентларининг оптимал қийматлари ишлаб чиқилган;

ипнинг сифат хосса кўрсаткичларига таъсир этувчи регрессион боғланишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳалқали йигирув машиналарининг конструктив элементларини такомиллаштириш бўйича олинган назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг

мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлиги, олинган тадқиқотлар натижалари ва уларнинг кўриб чиқилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлилига кўра асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти такомиллаштирилган чўзиш асбоби юк валиги ва амартизаторли ип ўтказгич конструкцияси ишлаб чиқилганлиги, қайишқоқ втулкали ип ўтказгичнинг ички втулкаси вертикал тебранишлари динамик ва математик моделлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳалқали йигирув машинасининг янги меъёрий технологик параметрлари ишлаб чиқилганлиги, ип сифатини яхшиланганлиги ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳалқали йигирув машинасидаги технологик жараёнларни ва параметрларни оптималлаш бўйича олинган натижалар асосида:

янги конструкциядаги икки қатламли эластик қопламали юк валикларига Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Йигириш машинасининг ип чўзиш ускунаси», №FAP 01051-2014 й.). Натижада ип шаклланиш зонасига бурам тақсимланиш миқдори 15,42%га, бурам тақсимланиш раёнлиги 1,47 мартага ошиш, бу эса ип тебраниш катталигини барқарор бўлишига имкони яратилган;

такомиллаштирилган эластик амортизаторли ип ўтказгичга Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Ҳалқали йигириш машинасининг ип ўтказгичи», №FAP 00878-2012 й.). Натижада ипнинг кесим бўйича нотекислиги 1,7%га камайиш, солиштирма узиш кучи 0,64 сН/тексга ошиш, узиш кучи бўйича квадратик нотекислиги 1,3%га камайиш имкони яратилган;

пахта толаси пилиги чўзиш асбобининг юк валиги ва амартизаторли ип ўтказгичнинг такомиллаштирилган конструкциялари «Ўзтўқимачилик» уюшмаси тизимидаги корхоналарда, хусусан «Shovot tekstil» МЧЖда корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачилик» уюшмасининг 2018 йил 4 декабрдаги БМ-06-6308-сон маълумотномаси). Натижада ипларнинг узилишини 20,76%га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола чоп этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 4 та фойдали моделга патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган институт илмий тадқиқотлари билан боғлиқлиги, унинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, усуллари, илмий-амалий аҳамияти ва натижалари, уларнинг ишончлилиги, натижаларнинг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Халқали усулда ип йигиришнинг техника ва технологиялари ҳолати ва уларнинг таҳлили”** деб номланган биринчи боби халқали йигирув машиналари конструктив элементларини такомиллаштириш, чўзиш асбоби ва унинг деталларига қўйиладиган талаблар, халқали ип йигирув машиналари ип ўтказгичлари конструкциясининг бурам тарқалиши ва ип таранглигига таъсири тадқиқоти, йигириш машинасида олинган ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичларини яхшилаш йўллари ва халқали йигириш машинасида ип ўтказгич ва чўзиш асбоби конструкциясини такомиллаштириш масалалари бўйича адабиётлар таҳлилига бағишланган.

Таҳлил натижалари асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.


Диссертация ишининг **“Халқали йигириш машинасида пиликни чўзиш ва ип ўтказгич конструктив элементлари параметрларини ҳисоблаш”** деб номланган иккинчи бобида халқали йигириш машинасида пиликни чўзиш ва ип ўтказгич конструктив элементлари параметрларини назарий ҳисоблаш асосида такомиллаштирилган ип ўтказгичнинг қайишқоқ элементлари деформацияланишлари тенгламалари, халқали йигириш машинаси чўзувчи асбоби юкловчи валиклари ўқининг тебранишларини ифодаловчи дифференциал тенгламалар ва унинг аналитик ечимлари келтирилган. Чўзиш асбоби валиклари ўқлари вертикал тебраниш қамрови пиликнинг чўзишга қаршилиги амплитудаси ўзгаришига боғлиқлик графиги қурилган ва параметрларнинг тавсия қийматлари аниқланган. Ип ўтказгич ички втулкали вертикал тебранишлари таҳлили келтирилган.

Ипнинг ўтказгичдан ўтаётганида тортиш кучи ўзгариши ҳисобига унинг таранглиги ўзгариб, ўтказгич элементларига таъсир қилади. Бунда ип ўтказгич қайишқоқ қатламлари бикрлиги шундай бўлиши керакки, умумий деформация ҳисобига ипга қарши таъсир оҳиста бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунда ип таранглигининг ўзгариши етарли даражада сўндирилади.

1-расмда келтирилган уч қатламли ип ўтказгичнинг устуворлиги ўрганилган. Фараз қилайлик, ип ўтказгич уч қатламли бўлсин. Унинг кўндаланг кесими 2-расмда келтирилган.



1-расм. Ип ўтказгичнинг кўндаланг кесим юзаси



2-расм. Уч қатламли ип ўтказгичнинг ҳисоб схемаси

Қатламлардаги кўчишлар мос равишда қуйидагича боғланган деб қабул қиламиз:

1. Юқори қатлам учун

$$w_B = w_1, u_B = u_1 - (z + h + t/2) \frac{\partial w_1}{\partial x}, v_B = v_1 - (z + h + t/2) \frac{\partial w_1}{\partial y}, \quad (1)$$

u_1, v_1, w_1 – юқори қатламдаги кўчишларни ифодалайди.

2. Пастки қатлам учун

$$w_H = w_2, u_H = u_2 - (z - h - t/2) \frac{\partial w_2}{\partial x}, v_H = v_2 - (z - h - t/2) \frac{\partial w_2}{\partial y}, \quad (2)$$

u_2, v_2, w_2 – пастки қатламдаги кўчишлар.

3. Ўрта қатламдаги кўчишлар учун

$$w_c = w, u_c = \frac{1}{2}(u_1 + u_2) - \frac{z}{2h}(u_1 - u_2 - t \frac{\partial w}{\partial x}), v_c = \frac{1}{2}(v_1 + v_2) - \frac{z}{2h}(v_1 - v_2 - t \frac{\partial w}{\partial y}). \quad (3)$$

Чегаравий шартлар ($\alpha_1 = const$) учун: чегара эркин бўлган ҳолда

$$T_{11} = S = Q_{11} + \frac{1}{A_2} \frac{\partial H}{\partial \alpha_2} = 0;$$

маҳкам қистирилган ҳолда $u = v = w = \varphi = 0$;


кўндаланг йўналишда шарнирга тиралган, тангенциал йўналишда эса маҳкам қистирилган $u = v = w = 0$;

кўндаланг йўналишда маҳкам қистирилган ва тангенциал йўналишда

эркин $T_{11} = S = w = \varphi = 0$ ва х.к.

Масаланинг сонли ечими асосида боғланиш графиклари қурилди.

Ҳалқали йигирув машинаси учун тавсия қилинган пиликни чўзувчи асбобнинг юкловчи валиги ўқининг тебранишларини аниқлаш муҳим ҳисобланади, чунки ўқнинг тебранишлари мос равишда таъминланаётган пилик чўзилишида унинг нотекислигини етарли даражада ифодалайди. Бунда юкловчи валик ички қайишқоқ втулкаси ва ташқи қайишқоқ втулкаси биқрликлари тўғри танланса, пилик чўзишни бир текисда амалга ошириш имкони яратилади.



3-расм. Таркибли қайишқоқ элементли юкловчи валик схемаси (а) ва унинг ўқи тебраниши ҳисоб схемаси (б)

Тавсия қилинган чўзувчи асбоб юкловчи валиги ўқининг вертикал силжишларини ифодоловчи дифференциал тенгламани ҳосил қиламиз

$$(m_y + m_p + m_b + m_l)\ddot{x} + (b_1 + b_2 + b_l)\dot{x} + \frac{c_1 c_2 c_l}{c_1 c_l + c_2 c_l + c_1 c_2} x = F_0 \sin \omega t \quad (4)$$

бу ерда, F_0 , ω -пиликдан валик ўқи тебранишига олиб келадиган ташқи таъсир кучининг ўзгариш амплитудаси ва ўзгариш частотаси.

Масаланинг сонли ечимини олиш учун параметрларнинг дастлабки ҳисоб қийматлари қуйидаги ораликларда олинган: $m_y = (0.1 \div 0.22)$ кг; $m_p = (0.02 \div 0.07)$ кг; $m_b = (0.05 \div 0.08)$ кг; $m_l = (0.003 \div 0.005)$ кг; $c_1 = (2.5 \div 4.0) \cdot 10^3$ Н/м ; $c_2 = (1.0 \div 1.5) \cdot 10^3$ Н/м ; $c_l = (0.08 \div 0.2) \cdot 10^3$ Н/м; $b_1 = (0.35 \div 0.45)$ Нс/м $b_2 = (0.25 \div 0.3)$ Нс/м ; $b_l = (0.05 \div 0.11)$ Нс/м, $F_0 = (1.0 \div 3.0)$ Н.

Таҷриба натижалари ҳамда чўзилаётган пиликнинг нотекислигини эътиборга олиб, таъсир кучи (2,3÷3,0) Н оралиғида бўлиши ҳисобга олинганда,

биринчи юкловчи валик ўқи тебраниш қамрови $(1,7 \div 2,4) \cdot 10^{-3}$ м, иккинчи валик ўқининг $(1,3 \div 1,65) \cdot 10^{-3}$ м ва учинчи валик ўқи тебраниш қамрови $(0,7 \div 1,1) \cdot 10^{-3}$ м оралиғида бўлиши тавсия қилинди. Биринчи валик учун тебраниш қамрови $(0,7 \div 1,1) \cdot 10^{-3}$ м дан ошмаслигини таъминлаш учун резинали втулкалар келтирилган бикрлик коэффиценти $(1,68 \div 2,7) \cdot 10^3$ Н/м оралиғида ва $C_{к2} = (1,85 \div 2,8) \cdot 10^3$ Н/м ва $C_{к3} = (2,6 \div 3,75) \cdot 10^3$ Н/м оралиғида бўлиши тавсия қилинди. Биринчи валикнинг хусусий тебраниш частотаси $f_1 = (1,1 \div 1,8) c^{-1}$ оралиғида бўлиши, иккинчи ва учинчи юкловчи валиклар ўқларининг вертикал хусусий тебранишлар частоталарининг тавсия қийматлари $f_2 = (14 \div 24) c^{-1}$ ва $f_3 = (14 \div 24) c^{-1}$ оралиғида бўлиши тавсия қилинди.

Диссертациянинг «**Ҳалқали йиғириш машинасининг такомиллашган чўзиш асбоби ва қайишқоқ элементли ип ўтказгичнинг ип шаклланиши ва сифатига таъсири тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида такомиллаштирилган чўзиш асбобининг шайлаш параметрларини оптималлаш масаласини ечиш учун тўла омилли тажриба ва бир омилли дисперсион таҳлил ўтказилган.

Тажриба ишлари МЧЖ “Shovot Tekstil” ҚК йиғириш фабрикасининг ишлаб чиқариш шароитида олиб борилди.

Ҳалқали йиғириш машинаси такомиллаштирилган чўзиш асбобининг чиқарувчи жуфтлигига ўрнатилган юкловчи валикларининг ташқи ва ички резинали эластик қопламалари чизиқий зичлиги 20 текс бўлган ипнинг физик-механик ва геометрик хусусиятларига таъсири тадқиқ этилган.

Чизиқий зичлиги 20 тексли ип “Rieter” (Швейцария) фирмасининг G35 маркали ҳалқали йиғириш машинасида ишлаб чиқарилди. Тажриба режасига асосан G35 маркали ҳалқали йиғириш машинасининг чўзиш асбоби чиқарувчи цилиндрлари устида ўрнатилган бешта фабрика валиклари такомиллаштирилган юк валиклари билан алмаштирилди.

Такомиллаштирилган чўзиш асбоби параметрларининг ип сифатига таъсирини тадқиқ этишда учта омил ўзгартирилди: -чўзиш асбоби чиқарувчи цилиндр юк валиклари диаметрлари 26-30мм гача (X_1), юк валикларининг ички резинали эластик қопламаси қаттиқлиги Шор А бўйича 45-65 (X_2) ва валикларга бериладиган юк 2,0 дан 2,2 баг гача (X_3).

Бу омилларни танлаш бир қатор назарий ва тадқиқот ишларида мавжуд бўлган априор маълумотлар асосида амалга оширилди.

Такомиллаштирилган чўзиш асбобининг шайлаш параметрларини муқобиллаш масаласини ечиш учун тўла омилли тажриба ТОТ 3³, яъни 9 та тажриба ўтказилди ҳамда барча омиллар ўртасидаги ҳамма қайтарилмайдиган комбинациялар миқдорлари назарга олинади, чунки тўқимачилик тадқиқотларида бу усул оптимал вариантни излашда энг самарали усул деб ҳисобланади.

Ҳамма тажрибалар учта қайтарилишда ўтказилди. Оптималлаш параметрларига қуйидагилар киради:


- ипнинг кесим бўйича квадратик нотекислиги, % (Y_1);
- ипнинг узиш кучи, сН/текс (Y_2);
- ипнинг узиш кучи бўйича квадратик нотекислиги, % (Y_3);

Ҳар бир оптималлаш параметри учун регрессион тенглама олинди. Регрессия коэффициентларининг аҳамиятга моликлигини Стьюдент мезони ёрдамида, тенглама адекватлиги эса Фишер мезони ёрдамида аниқланди.


Ипларнинг кесим бўйича нотекислиги ва ташқи кўриниши нуқсонлари Uster Tester 5-S400 асбобида аниқланди. 4- ва 5-расмлардан кўришиб турибдики, 4-вариантда ипларнинг кесим бўйича квадратик нотекислиги C_m (юк валикларининг диаметри 30 мм, юк валикларининг ички резинали эластик қопламаси қаттиқлиги Шор А 55 ва валикларга бериладиган юк 2,1 bar бўлганда) 11,66% га камайиб, USTER STATISTICSнинг 29% синфи талабига жавоб беради.

9-вариантда юк валикларининг диаметри 26 ммга кичик, ички резинали эластик қопламаси қаттиқлиги минимал Шор А 45 ва валикларга бериладиган юк 2,0 bar бўлганда ипларнинг кесим бўйича квадратик нотекислиги ошишига, яъни $C_m=12,83%$, USTER STATISTICSнинг 68% синфи мос келди.

Uster Tester 5-S400 асбобида олинган 4- ва 9-вариантларда ипнинг массаси бўйича спектрограммаси 4-расмда келтирилган.



а) Вариант 4: валик диаметри 30 мм, втулка қаттиқлиги 55 (Шора А), валиклардаги юк миқдори 2,1 bar




б) Вариант 9: валик диаметри 26 мм, втулка қаттиқлиги 45 (Шора А), валиклардаги юк қатталиги 2,0 bar

4-расм. Кесим бўйича ип массалари спектрограммалари

4-расмдан кўриш мумкинки, 9-вариант ип спектрограммаларида 4-вариант спектрограммаларига нисбатан $\lambda = 4-10$ см узунликдаги тўлқинлар

атрофида алоҳида баландликлар ва аниқ нотекисликлар (импульс оғишлар) мавжуд бўлиб, бу чўзишдан бўлган нотекислик тўлқинларига хосдир ва чўзиш асбобида толалар ҳаракати етарли даражада назорат этилмаганлиги билан изоҳланади.

5-расмда гистограммалар кўринишида 9 та вариант бўйича ипдаги ингичка (-40, -50%) ва қалин (+50%) жойларининг умумий миқдори кўрсатилган. Қалин жойлар миқдорини фарқ сифатида аниқлаш мумкин.



5-расм. Чўзиш асбобининг шайлаш параметрларига боғлиқ бўлган ипдаги қалин ва ингичка жойларнинг миқдори

5-расмдан кўришиб турибдики, ингичка ва қалин жойларнинг энг кам миқдори 4-вариантда. 7- ва 8-вариантлардаги кўрсаткичлар ҳам анча яхши ҳисобланади.

Чўзиш асбобининг чиқарувчи цилиндр юкловчи валикларининг диаметри, валикларга бериладиган юк миқдори камайиши ва ички втулканинг қаттиқлик даражасини ортириш назоратдаги толаларнинг ҳаракатини ёмонлашишига ҳамда ипдаги ингичка ва қалин жойларнинг кўпайишига олиб келади. Энг кўп 1 км ипга тўғри келадиган қалин жойлар сони 55 та, ингичка жойлари 152,5 тани ташкил қилиб, бу кўрсаткичлар 9-вариантга тўғри келади.

Ипнинг чизиқий зичлиги ва чизиқий зичлик бўйича вариация коэффиценти Uster Auto Sorter R5 асбобида аниқланган. Ипнинг пишиқлик кўрсаткичлари ва у билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар Uster Tensorapid 4 да аниқланган.

Ипнинг солиштирма узиш кучи ва узиш кучи бўйича вариация коэффицентини тажриба омиллари параметрларига боғлиқлиги 3- ва 4-расмда яққол кўрсатилган.

6-расмдан қуйидагиларни кўриш мумкин:


- ипнинг энг катта узиш кучи (15,32 гс/текс) ва энг кичик вариация коэффиценти ($C_v=8,4\%$) 4-вариант, яъни юк валикларининг диаметри (30 мм), юк валикларининг ички резинали эластик қопламаси қаттиқлиги Шор А 55 ва валикларга бериладиган юк миқдори 2,1 bar бўлганда эришилади.

- юк валикларининг диаметри кичрайиши, ички резинали эластик қопламанинг қаттиқлиги, валикларга бериладиган юк миқдори минимал тажриба кўрсаткичларида (9-вариант), яъни ипнинг солиштирма нисбий узиш кучи 14,2 гс/текс, вариация коэффиценти 9,9% гача, сифат кўрсаткичи 1,434 га камайиши (бу кўрсаткич 4-вариантда 1,82 га тенг) ип сифати кескин 21,2% камайишини кузатиш мумкин.

Ип сифатини бахолаш учун юкловчи валикларнинг эластиклиги, қопламаларнинг қаттиқлиги ипнинг сифатига таъсирини кўриб чиқилди. 1,2,3 вариантлар (втулка қаттиқлиги 65 Шора А), 4,5,6 вариантларда (втулка қаттиқлиги 55 Шора А), 7,8,9 вариантлар (втулка қаттиқлиги 45 Шора А) да ўртача кўрсаткичлар аниқланди.


Ипнинг механик хоссалари узиш кучи бўйича кўрилган диаграммада яхши (узиш кучининг ип узайишига нисбатан эгри чизиғи) тасвирланган.

7-расмдан кўришиб турибдики, 4-вариант (юк валикларининг диаметри 30 мм, юк валикларининг ички резинали эластик қопламаси қаттиқлиги Шор А 55 ва валикларга бериладиган юк 2,1 bar) бўйича ишлаб чиқарилган ипларда энг кўп узайиш бўлиб, бу ип ишлаб чиқариш технологиясида катта аҳамиятга эга, чунки ип олдин маълум бир катталиқга чўзилади ва ундан кейин унинг таъсирида зўриқиш пайдо бўлади. 9-вариант 3,5% ипнинг узайиши 13,92 сН/текс зўриқиш мавжудлигини кўриш мумкин, 4-вариантда эса бу кўрсаткич 11,06 сН/тексга тенг.



6- расм. Чўзиш асбоби параметрларини ипнинг нисбий узиш кучи ва узиш кучи бўйича вариация коэффиценти таъсири

Бундан кўришиб турибдики, ип ишлаб чиқариш технологиясида деформация катта аҳамиятга эга.



7- расм. Узиш кучи диаграммаси

Узиш ишининг муҳимлиги кейинги қайта ишлаш ва технологик жараён давомида аниқланади. Ипнинг пишқлиги ортиши ва нотекислиги камайиши натижасида йиғириш машиналарида узилишлар сони ўртача 20,9% камайди.

Ҳар бир омилнинг асосий оптималлаш параметрларига таъсир этиш даражасини аниқлаш ҳамда омилларни ўзгартириб, ип сифатини прогноз қилиш учун регрессия тенгламалари кўринишидаги математик моделларни қурамиз.

1. Ипнинг кесим бўйича нотекислиги, y_1 , %

$$y_1 = 12,12 - 0,2x_1 + 0,11x_2 - 0,265x_3 + 0,335x_1x_2 + 0,175x_2x_3 \quad (5)$$

2. Ипнинг солиштирма узиш кучи, y_2 , сН/текс

$$y_2 = 14,76 + 0,235x_1 - 0,188x_2 + 0,238x_3 - 0,245x_1x_2 - 0,16x_2x_3 \quad (6)$$

3. Ипнинг узиш кучи бўйича квадратик нотекислиги, y_3 , %

$$y_3 = 9,09 - 0,283x_1 + 0,183x_2 - 0,3x_3 + 0,4x_1x_2 - 0,025x_1x_3 + 0,25x_2x_3 \quad (7)$$

Қурилган регрессион боғланишлари орқали ҳар бир омил қийматининг ип сифатига таъсирини оптималлаш вазифаси ифодаланди: кесим бўйича нотекисликни пастдан солиштирма узиш кучини ва тепадан узиш кучи бўйича нотекисликни чеклаб камайтириш вазифаси. Бу оптималлаш вазифасига юк валикнинг диаметри 30 мм, валикнинг ички қопламаси қаттиқлиги 55 Шора А ва валиклардаги юк миқдори 2,1 бар га тенг бўлган вариант жавоб беради.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра янги конструкциядаги қайишқоқ элементли ўтказгич ип шаклланишига таъсири ҳам баҳоланди.

Ҳалқали йигириш машинаси такомиллаштирилган ип ўтказгич бўйича бир омилли тажриба ўтказилиб, омил (X) сифатида ип ўтказгичнинг конструкцияси қабул қилинган. Бир хил урчуқларга ўрнатилган ип ўтказгичларнинг иккита конструкцияси солиштирилди:

- ип ўтиш учун ҳалқа ҳосил қилган пўлатдан ясалган илгак кўринишидаги ип ўтказгич (фабрика варианты)

- қайишқоқ элементли ип ўтказгич (тажриба варианты).

Турли ҳил конструкцияга эга ип ўтказгичларнинг самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди:


- ип шаклланиш зонасидаги бурам, б/10 см;
- ипнинг солиштирма узиш кучи, сН/текс;
- узиш кучи бўйича вариация коэффиценти, %;
- ипнинг бурамлар сони (б/м) ва узайиши (%);
- кесим бўйича нотекислик (%) ва ташқи кўриниш нуқсонлари (дона);
- 1000 та урчуқга тўғри келадиган ипнинг узилишлар сони.

Оптималлаш параметрлари сифатида қуйидагилар қабул қилинган:

- ипнинг солиштирма узиш кучи (Y_1), сН/текс;
- йигириш машинасида ипнинг узилишлар сони (Y_2), 1000 урч/с.

Ипнинг сифат кўрсаткичлари USTER фирмасининг лаборатория асбобларида, ипнинг бурамлар сони ҳамда унинг барқарорлиги Avto Twist Counter круткомерида аниқланди.

8-расмда гистограмма кўринишида таққосланаётган вариантлар бўйича ипдаги ингичка, қалин жойлар, неслар миқдори кўрсатилган. 8-расмдан кўришиб турибдики, янги конструкцияли ип ўтказгич билан олинган ипда ингичка жойлар 13,3% га камроқ, қалин жойлар 10,5% га камроқ ва йирик неслар 22,1% га камроқ.



Ингичка жойлар (-40-50%). Қалин жойлар (+50%). Нуқсонлар (+280%)

▨ - пўлат ип ўтказгич

▤ - қайишқоқ элементли ип ўтказгич

8-Расм. Ипнинг ташқи кўриниш нуқсонлари

Ингичка жойлар миқдори ип кесимида толалар сонини 0,6 - 0,5n гача камайганлигини кўрсатади, бу эса узилаётган кесимлар сони ортишига олиб келади.

Қалин жойлар ва йирик неслар таранглик ўзгаришига олиб келиши мумкин, бу эса йигиришда узилишлар сони ортишига олиб келади. Ип ўтказгич конструкцияси деярли ип тукдорлигига таъсир кўрсатмайди. Ипнинг тукдорлиги 70% гача толаларнинг ип танасида жойлашишига боғлиқ бўлиб, у ҳалқали ип учун олдинги ярим маҳсулотларни тайёрлаш технологик жараёнларига (толалар текисланиши ва параллеллашишига) боғлиқ.


7-расмдан кўришиб турибдики, янги конструкцияли ип ўтказгич қўллаб олинган ип яхшироқ сифат кўрсаткичларига эга: ип пишиқроқ, равонроқ, узайиши каттароқ.

Дисперсион таҳлил кўрсатдики, вариантлар бўйича ипнинг солиштирама узиш кучи ва узилишлар сонига фарқ тасодифий бўлмай аҳамиятлидир.

Диссертациянинг “**Ҳалқали йигириш машинаси чўзиш асбоби ва ип ўтказгичининг ишлаб чиқариш шароитидаги тадқиқоти**” деб номланган тўртинчи бобида ҳалқали йигириш машинаси такомиллаштирилган чўзиш асбоби ва ип ўтказгичнинг МЧЖ “Shovot Tekstil” ҚК ишлаб чиқариш шароитида тадқиқотлар ўтказилган.

G35 йигириш машинасига ўрнатилган пўлат ип ўтказгич (назоратдаги) ҳамда янги конструкцияли юк валиги ва ип ўтказгичнинг оптимал вариантларини қўллаб, чизиқий зичлиги 20 тексли ип ишлаб чиқарилди.

Таҷрибада олинган ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичлари 9-расмда келтирилган.



9- расм. Ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичлари

Расмдан кўришиб турибдики, янги конструкциядаги такомиллаштирилган чўзиш асбоби ва амартизаторли эластик қопламали ип ўтказигичнинг оптимал вариантларини қўллаб олинган ип сифат кўрсаткичлари назоратдаги (фабрика) ип кўрсаткичларига қараганда анча яхшиланди, жумладан:

- ипнинг кесим бўйича нотекислиги 1,7% га камайди;
- ипнинг солиштирма узиш кучи 0,64 сН/тексга ошди;
- ипнинг узиш кучи бўйича квадратик нотекислиги 1,3% камайди;
- ипнинг узайиши 0,5% юқори;
- ипдаги узилишлар сони 20,76% га камайди.

Тадқиқот натижалари бўйича олинган кўрсаткичлардан янги конструкциядаги такомиллаштирилган чўзиш асбоби ва амартизаторли эластик қопламали ип ўтказигичнинг оптимал вариантларини қўллаб олинган ип сифат кўрсаткичлари назоратдаги (фабрика) кўрсаткичларига қараганда яхшиланган.

Такомиллаштирилган чўзиш асбоби ва ип ўтказгични қўллаб олинган иктисодий самарадорлик ҳисобланиб ип сифатининг ошиши ва ип узилишлар сони камайганлиги ҳамда ҳалқали йиғириш машинаси унумдорлиги ошиши ҳисобига 1 тонна ип учун 97668 сўм иктисодий самара олинди.

ХУЛОСА

“Ҳалқали йиғирув машиналарининг конструктив элементларини такомиллаштириш асосида сифатли ип олиш” мавзусидаги диссертация иши бўйича қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Ҳалқали йиғирув машинасида ипни юмшоқ режимда узатиш, йўналтиришни такомиллашган технологияси ва конструкцияси ишлаб чиқилди. Йиғириш машинасида пиликни керакли режимда, бир текисда чўзилишини таъминлайдиган такомиллашган технологияга асосланган таркибли уч қатламли валиклари бўлган ускунаси конструктив схема тавсия қилинди.

2. Ҳалқали йиғириш машинасида таркибли ип ўтказгичнинг уч қатламли қайишқоқ элементлар (втулкалар) ип деформацияларини ифодаловчи математик модели олинди, боғланиш графиклари қурилди. Олинган графикларнинг таҳлилига асосан ип ўтказгичнинг қайишқоқ втулкаларининг умумий силжиши, яъни радиус бўйлаб деформацияланиши $(0.35 \div 0.95) \cdot 10^{-3}$ м дан ошмаслиги аниқланди. Шу билан бирга ип таранглини оҳиста сўндириш учун ташқи қайишқоқ втулка бикрлиги иккинчи қатлам втулкалар бикрлигига нисбатан $(1.15 \div 1.32)$ марта кичик бўлса, учинчи қатлам (ташқи) қайишқоқ втулка бикрлигидан $(1.35 \div 1.45)$ марта кичик бўлиши тавсия қилинди.

3. Таркибли нозизиқий бикрликка эга бўлган қайишқоқ втулкали ип ўтказгичнинг ички втулкаси вертикал тебранишлари динамик ва математик моделлари олинди. Масаланинг сонли ечими асосида ички втулка вертикал тебраниш амплитудасининг втулка массаси ва бикрлик коэффициентларига боғлиқлик графиклари қурилди. Втулка массаси кг $(1,72 \div 2,8) \cdot 10^{-3}$ кг оралиғида бўлиши, ҳамда втулкалар бикрлик коэффициенти келтирилган.

Натижада ип ўтказгич ички втулкасининг тебраниш амплитудаси $(0,8 \div 1,1) \cdot 10^{-3}$ м дан ошмаслигини таъминлаш имконияти яратилди.

4. Ҳалқали йигириш машинаси чўзувчи асбоби юкловчи валиклари ўқининг тебранишларини ифодаловчи дифференциал тенглама ва унинг аналитик ечими олинди. Чўзиш асбоби валиклари ўқлари вертикал тебраниш қамровининг пиликнинг чўзишга қаршилиги амплитудаси ўзгаришига боғлиқлик графиги қурилди. Тажриба натижалари ҳамда чўзилаётган пилик нотекислигини эътиборга олиб, таъсир кучи $(2,3 \div 3,0)$ Н оралиғида бўлишини ҳисобга олинганда, биринчи юк валиги ўқи тебраниш қамрови $(1,7 \div 2,4) \cdot 10^{-3}$ м, иккинчи валик ўқининг тебраниши $(1,3 \div 1,65) \cdot 10^{-3}$ м ва учинчи валик ўқи тебраниш қамрови $(0,7 \div 1,1) \cdot 10^{-3}$ м оралиғида бўлиши тавсия қилинди.

5. Устки юк валиклари ўқлари тебраниш қамрови ўзгаришининг қайишқоқ втулкалар бикрликларига боғлиқлик графиклари қурилди. Биринчи валик учун тебраниш қамрови $(0,7 \div 1,1) \cdot 10^{-3}$ м дан ошмаслигини таъминлаш учун резинали втулкалар келтирилган бикрлик коэффициенти $(1,68 \div 2,7) \cdot 10^3$ Н/м оралиғида бўлиши тавсия қилинади. Мос равишда иккинчи ва учинчи юкловчи валикларнинг резинали втулкалари келтирилган бикрлик коэффицентлари $C_{к2} = (1,85 \div 2,8) \cdot 10^3$ Н/м ва $C_{к3} = (2,6 \div 3,75) \cdot 10^3$ Н/м оралиғида бўлиши тавсия қилинди.

6. Йигирув машинасининг чўзувчи асбоби юкловчи валиклари ўқлари вертикал хусусий тебраниш частоталари резинали втулкаларнинг келтирилган бикрлик коэффицентлари ўзгаришига боғлиқлик графиклари олинган. Биринчи валикнинг хусусий тебраниш частотаси $f_1 = (1,1 \div 1,8) \text{с}^{-1}$, иккинчи ва учинчи валиклар ўқлари вертикал хусусий тебранишлар частоталари қийматлари $f_2 = (14 \div 24) \text{с}^{-1}$ ва $f_3 = (14 \div 24) \text{с}^{-1}$ оралиғида бўлиши тавсия қилинди.

7. Янги конструкцияга эга бўлган қайишқоқ ип ўтказгич ўрнатилганда ип шаклланиш зонасига бурам тақсимланиш шароитлари яхшиланиб бурам миқдори ортиши 15,42% ни ташкил этди, бунда бурам тақсимланиш раволиги 1,47 мартага ошди, бу эса ип тебраниш катталигини етарлича барқарор қилишига ва ип ўтказгичнинг янги конструкцияси йигириш машиналарида узилишлар сонини 20% га камайишига имконият яратилди.

8. Такмиллаштирилган ички қисми эластик қопламали юк валиклари параметрлари оптимал қийматларини қўллаш асосида:

ип пишиқлигида толанинг пишиқлигини ишлатиш коэффицентини (ПИК) 0,514 гача ошириш, ипнинг сифат кўрсаткичи ($R_{km}/\text{с}$) ни эса 1,82 гача ошириш; ипдаги ингичка (1,69 гача) ва қалин жойларини (3,66 гача) камайиши ҳисобига ипларнинг кесим бўйича квадратик нотекислиги (C_m) камайиши; ипнинг солиштирма узиш кучини 1,12 гс/тексга ошиши, ип узилишдаги пишиқлиги бўйича нотекислиги 17,8% га камайиши; ипнинг пишиқлиги ортиши ва нотекислига камайиши натижасида йигириш машиналарида ип узилишлар сони ўртача 20,9% га камайишига имконият яратилди.

9. Янги конструкцияга эга бўлган қайишқоқ ип ўтказгич ўрнатилганда ип шаклланиш зонасига бурам тақсимланиш шароитлари яхшиланди: бурам миқдори ортиши 15,42% ни ташкил этди, бунда бурам тақсимланиш раволиги

1,47 мартага ошди, бу эса ип тебраниш қатталигини анча барқарор бўлишига имкон берди.

10. Ҳалқали йигириш машинасида такомиллаштирилган чўзиш асбоби ва ип ўтказгичларнинг оптимал вариантларини қўллаб, ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибаларда йигирилган ип хосса кўрсаткичлари назорат вариантыга қараганда яхшиланиш, жумладан, ипнинг кесим бўйича нотекислиги 1,7% га камайиш; ипнинг солиштирма узиш кучи 0,64 сН/тексга ошиш; ипнинг узиш кучи бўйича квадратик нотекислиги 1,3% га камайиш имконини берди. Ҳалқали йигириш машинасининг такомиллаштирилган чўзиш асбоби ва ип ўтказгичнинг оптимал параметрлари ҳисобига олинадиган иқтисодий самарадорлик 1 тонна ипга 97668 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.
27.06.2017.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ДЖУМАБАЕВ ГУЛОМЖОН ХАЛИЛЛАЕВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ КАЧЕСТВЕННОЙ ПРЯЖИ НА ОСНОВЕ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОНСТРУКТИВНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ
КОЛЬЦЕПРЯДИЛЬНЫХ МАШИН**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка
сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована за В2018.2.PhD/Т783 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:	Жуманиязов Кадам доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Мукимов Мирабзал Мираюбович доктор технических наук, профессор Эркинов Зокиржон Эркинбой угли доктор философии технических наук (PhD)
Ведущая организация:	Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон

Защита диссертации состоится «31» января 2019 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017.Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахон–5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-аудитория тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (диссертация зарегистрирована за №52) Адрес: г.Ташкент, ул. Шохжахон–5, тел. (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 17 января 2019 года.
(реестр протокола рассылки №52 от 17 января 2019 года).

М.Т.Хожиев
Зам. председателя научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

А.З.Маматов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

А.Э.Гуламов
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире расширяется ассортимент продукции текстильной промышленности, а также ускоренными темпами растут и требования, предъявляемые к ним. Высокий уровень конкуренции пряжи и ткани на мировом рынке, современные технологии, создание нового оборудования, позволяющего быстро менять качество и количество видов тканей, необходимость получения качественной и конкурентоспособной продукции, а также еще большее повышение качества текстильной продукции приобретает большое значение. В развитых зарубежных странах, таких как США, Япония, Германия, Италия, Китай добились значительных успехов в производстве пряжи с высоким качеством и физико-механическими свойствами, где для повышения эффективности текстильной промышленности и обеспечения конкурентоспособности продукции уделяют особое внимание совершенствованию способов управления технологическими процессами.

В мире уделяется большое внимание подготовке пряжи, созданию новых техник и технологий для разработки нормативных технологических параметров, положительно влияющих на нее. В связи с этим, одной из важных задач является проведение целевых научных исследований в таких областях, как радикальные изменения качества пряжи, производство конкурентоспособной пряжи. В то же время необходимо создать эффективную систему для повышения качества и конкурентоспособности пряжи, разработать методы оптимизации показателей, разработать высокоэффективные технические средства и технологии на прядильной фабрике.

В нашей Республике реализуются масштабные меры по подготовке пряжи на прядильных фабриках, позволяющий улучшить потребительские свойства продукции, а также по созданию технологий с высокоэффективными процессами прядильного производства. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы намечены такие задачи, как, «повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение потребления энергии и ресурсов в экономике, ...широкое внедрение энергосберегающих технологий в производство, ...внедрение новых видов продукции и технологий, на основе этого обеспечить конкурентоспособность отечественной продукции на внутреннем и внешнем рынках»¹. Реализации данной задачи, в частности, с целью улучшения качества продукции совершенствование механизмов машин прядильного производства, улучшение качественных показателей пряжи, производство конкурентоспособной пряжи прядильного производства на сегодняшний день является одной из важнейших задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2016 года №УП-4848 «О дополнительных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947.

мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемирной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата», а также от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлении от 4 марта 2015 года №ПП-4707 «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 год», постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №5 от 8 января 2014 года «О дополнительных мерах по сокращению производственных затрат и снижению себестоимости продукции в промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Обширные научные исследования, направленные на усовершенствование нормативных параметров заправки технологических процессов, вытяжных приборов кольцепрядильных машин, их деталей, осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности: California Institute of Technology, Massachusetts Institute of Technology (США), University of Cambridge, University of Manchester (Великобритания), Technische Universitat Drezden, Technische Universitat Munchen (Германия), Piroeus University of Applied Sciences (Греция), China Textile Academy, Department of Textile Engineering (Китай), Московский государственный университет дизайна и технологии, Санкт-Петербургский Государственный университет технологии и дизайна (Россия), Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности (Узбекистан).

